



IJODKOR
O'QITUVCHI

ТВОРЧЕСКИЙ
УЧИТЕЛЬ

CREATIVE
TEACHER





«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©

IJODKOR O'QITUVCHI
ILMIY-USLUBIY JURNAL

MATERIALLARI TO'PLAMI

30-IYUN, 2022-YIL

20-SON



INDEX  COPERNICUS
I N T E R N A T I O N A L

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
eLIBRARY.RU

doi® digital object
identifier


Google
Scholar

 **CYBERLENINKA**

Ushbu to'plamda "Ijodkor o'qituvchi" ilmiy-uslubiy jurnaliga kelib tushgan tezis va maqolalar o'rin olgan.

Mazkur jurnalda zamonaviy ta'lim tizimini rivojlantirish jarayonida innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etish va loyihalashtirish, integratsion ta'limni rivojlantirishda yo'nalishlar bo'yicha kreativ g'oyalar, takliflar va yechimlarni amalga oshirish maqsad qilib olingan. Mazkur jurnal materiallaridan OTM professor-o'qituvchilari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari va umumta'lim maktab o'qituvchilari, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, ilmiy xodimlar, iqtidorli talabalar hamda shu sohada ilmiy ish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalaishlari mumkin.

Eslatma! Jurnal materiallari to'plamiga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma'lumotlar haqqoniyligiga va keltirilgan iqtiboslar to'g'riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.

TAHRIRIYAT

Bosh muharrir

Maqsudov Ulug'bek Qurbonovich

Mas'ul muharrir:

Yusufjonov Quyoshbek Komiljon o'g'li

Mas'ul kotib

Xasanov Tursunali Xaydarali o'g'li

*Marg'ilon shahar 11-umumiy o'rta ta'lim maktabi**Ma'naviy va ma'rifiy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari***Nashrga tayyorlovchi**

Topivoldiyev Jasurbek

Ubaydillayev Saidakbar

Farg'ona davlat universiteti

TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI

Mo'minov Qobiljon Qodirovich

Fizika-matematika fanlari doktori professor

Sultonali Mannopov

O'zbekiston xalq artisti, professor

Mamatova Nodira Muxtarovna

Tibbiyot fanlari Doktori (Ds)

Tuychiyeva Inoyat Ibragimovna

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Rasulova Vasila Batirovna

Toshkent farmatsevtika instituti, Biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Nikadambayeva Hilola Batirovna

Uzbekiston jurnalistika va ommaviy***kommunikatsiyalar universiteti, Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent***

Pirimov Akram Pirimovich

Navoiy davlat pedagogika instituti, dotsent

Shodiyev Furqat Davranovich

Navoiy davlat pedagogika instituti, Texnika fanlari nomzodi, Dotsent

Qurbonova Muqaddas Omonovna

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Aslanov Xakimjon Ro'ziboyevich

FarDU, Harbiy ta'lim fakulteti Umumqo'shin***tayyorgarligi sikli boshlig'i, podpolkovnik***

Karimov O'lmasbek Umaraliyevich

FarDU o'qituvchisi

Solijonov Muhammadjon Zokirjon o'g'li

Qo'qon DPI, Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Imomqulov Tulkin Burhonovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Isakova SHoxidaxon Ikramovna

Qo'qon DPI, Filologiya fanlari nomzodi, dotsent.***Xorijiy tillar fakulteti. Fakultetlararo******chet tili kafedras***

Ibratova Feruza Boboqulovna

Toshkent davlat yuridik universitetining professor vazifasini bajaruvchi, yuridik fanlari doktori

ТАЪЛИМ МИСОЛИДА)	
Матмусаева Мухайё МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ – МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ ТАРБИЯ МАСКАНИ	136
Tursunova Dilnovoz BOLALAR BOG'CHASIDA PEDAGOGIK JARAYONNI TASHKIL ETISHNING MAQSADI VA VAZIFALARI	139
Sharofutdinov Iqboljon BOSHLANG'ICH SINIF O'QUV JARAYONIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH	143
Ziyod Yunusov ENGLISH LANGUAGE TEACHING TECHNIQUES	147
Каримов Дониёр ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ	154
Ахмедова Чарос Дилмурод кизи МЕЖДУНАРОДНЫЕ МЕХАНИЗМЫ И ИНСТИТУТЫ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ ОБЪЕКТОВ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В СПОРТЕ.	160
Musulmanova Nilufar Xudayberdiyevna MIRZO ULUG'BEK DAVRIDA SAMARQANDDA BUNYODKORLIK ISHLARI VA ILM FAN TARAQQIYOTI	166
Хамрохўжаев Бахтиёр Яхёхонович Бахромов Улуғбек Гапуржонович Мамашарипова Машхура Бахтиёржон кизи ФАРҶОНА ВОДИЙСИ МИЛЛИЙ МАТОЛАРИ (ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ, МАТО ТУРЛАРИ, АНЪАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК)	169
Saida Safibullayevna Beknazarova Mustofoyeva Malika G'ayratjon qizi RAQAMLI TIJORAT RIVOJLANISH TENDENSIYALARI	174
М.Т.Абдуллаева Ж.Обиталиев С.Усмонов FOTOSINTEZ MAXSULDORLIGIGA YEKISH MEYORI VA MA'DAN O'G'ITLARINING TA'SIRI.	176
Qo'chqorov Ahliddin Mirzoxid o'g'li Karimov Bahodir Xoshimovich HARORAT VA NAMLIKNI ARDUINO PLATFORMASIDA BOSHQARISHNI O'RGANISH	181
Aliboyeva Nigora Abdullayevna HAYVONLARNI MUHOFAZA QILISH VA BOLALAR ISHTIROKI INTEFAOL USULLAR BILAN YONDASHUV	185
Mansurova Munisa ALISHER NAVOIY ASARLARIDA VOIZLIK SAN'ATINING QO'LLANILISHI	189
Рўзалиев Бехзоджон Авазжонович ОЛТИ БУЮК МУҲАДДИС	192

ОЛТИ БУЮК МУҲАДДИС

Рўзалиев Бехзоджон Авазжонович

*Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси ўқитувчиси*

Муҳаддислар султони имом ал-Бухорийнинг тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғйра ибн Бардизбаҳ⁴⁸ ал-Бухорий ал-Жуъфий⁴⁹ бўлиб, у шайхул-ислом ва имомул-хуффаз номлари билан машҳур бўлган. Шунингдек, у ҳадисда муъминларнинг амири унвонига сазовор бўлган. Муҳаммад ал-Бухорий ҳижрий 194 йил 13-шавволда/милодий 810 йил 20-июлда жума куни Бухоро шаҳрида зиёлилар оиласида дунёга келди. Шунинг учун, унга ал-Бухорий сифати берилган. У ўрта бўйли, озғиндан келган, буғдой рангли одам бўлган. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг бобоси Бардизбаҳни ал-Аҳнаф исми билан атаганлар. Аҳнаф бу энг ақлли, доно кишиларга берилган нисбатдир.

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий кунлардан бир кун хуфтон намозидан сўнг шундай дуо қилади: «Аллоҳим! Бу дунё қанчалик кенг бўлмасин менга тор бўлиб қолди. Аллоҳим мени ўз хузурингга ол!». Бу дуони қилгандан кейин орадан бир ой ўтар ўтмас Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этти. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Рамазон хайити кечаси шанба куни хуфтон намози чоғида вафот этади. У вафот этган пайтда уйда ҳеч ким бўмайди. У Рамазон хайити куни пешин намозидан кейин дафн қилинади. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳижрий 256-йилда рамазон ойининг охири кунида вафот этади. Муҳаммад 13 кун кам 62 йил умр кўрди. Аллоҳ ўз раҳматига олсин!...

Имом ал-Бухорийнинг буюк шогирди Абул Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ибн Муслим⁵⁰ ибн Вард ибн Кушоз⁵¹ ал-Қушайрий⁵² ан-Найсабурий⁵³ бўлиб, у ҳадис аҳлининг имоми ва ҳужжатул ислом номлари билан машҳурдир. Шунингдек, у буюк имом унвонига сазовор бўлган. Муслим ибн ал-Ҳажжож Нишопур шаҳрида зиёлилар оиласида дунёга келади. Лекин кўпгина олимларнинг таъкидлашича, туғилган йили аниқ маълум эмас. Улар икки санани кўсатишади. Биринчиси ҳижрий 204/милодий

⁴⁸ «Таҳзиб ал-Асмой вал-Лўғоти» 1-жилд 67-бетда айтилишича, ал-Амир Абу Наср ибн Мокула «Бардизбаҳ» деб қайд қилган. Унинг таъкидлашича, бу бухорича исм бўлиб маъноси қишдоқ хўжалиги билан шуғулланувчи одам, яъни деҳқон. «Вафоётул Аъян». 4-жилд. Б. 190.

⁴⁹ Ал-Хотиб ал-Бағдодий «ат-Тарих» китоби 2-жилд 6-бетда келтирилишича, Муҳаммад ал-Бухорийнинг бобоси Бардизбаҳ мажусий бўлган. Ал-Муғйра ибн Бардизбаҳ Бухоро волийси Яман ал-Жуъфий(асл исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Яман ал-Муснадий ал-Жуъфий) далолати билан ислом динини қабул қилган. Шунинг учун, Муҳаммад ал-Бухорийга ал-Жуъфий сифати берилган.

⁵⁰ Яҳё ибн Шараф ан-Нававий ад-Дамашқий. Саҳиҳи Муслим би шарҳи ан-Нававий. Байрут-Ливан. Дар ал-Кутуб ал-Илмийя. 1421х.й./2000м.й. 1-муҳаллад. Б. 3.

Абул Фазл Иъёз ибн Мўсо Иъёз ал-Яҳсобий. Икмал ал-Муълими би Фаваиди Муслим. Байрут-Ливан. Дар ал-Вафои. 1419х.й./1998м.й. 1-жуз. Б. 79.

⁵¹ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияру Аълами ан-Нубалаи. Байрут. Муассасату ар-Рисалати. 1412 х.й./1992 м.й. 12-жуз. Б. 558.

⁵² Муслим машҳур араб қабилаи Қушайр аҳлидан бўлган ёки у Қушайр қабиласининг мавлоси бўлган.

⁵³ Нишопур Хуросон ўлкасининг катта шаҳарларидан биридир. Бундан кейин Найсабур сўзининг ўрнига Нишопур сўзи ишлатилади.

819 йилда туғилган⁵⁴. Иккинчиси ҳижрий 206/милодий 821 йилда туғилган⁵⁵. Муслим ибн ал-Ҳажжож тўладан келган. Соч ва соқоли оқарган. Салласини бир учини икки елкаси орасига тушириб юрарди. У газмол сотувчиси бўлган. Имом Муслим Нишопур шаҳрида ҳижрий 261 йил ражаб ойи якшанба куни шом намози билан хуфтон намози ўртасида вафот этади. У эллик етти ёшда эди.

Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим “саҳиҳ” бўлган ҳадисларни тўплаб жамлашга ҳаракат қилганлар. Улар Расулуллоҳ (с.а.в.)га бориб боғланадиган ҳадисларга эътибор қаратганлар. Уларни фақатгина “саҳиҳ” ҳадислар қизиқтирган. Чунки, уларгача бўлган давр ичида ҳадислар “саҳиҳ”, “ҳасан” ва “заиф” каби критерияларга ажратиб жамланмаган. “Саҳиҳайн” дейилганда, Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим асарлари назарда тутилади.

“Саҳиҳайн” қаторида қадрладиган бошқа асарлар ҳам мавжуд. Ислом оламида эътироф этилган энг ишончли ҳадис китоблари олтитадир. Булар Имом ал-Бухорий “Саҳиҳи”, Имом Муслим “Саҳиҳи”, АбуДовуд “Сунани”, Термизий “Сунани”, Насоий “Сунани”, Ибн Можжа “Сунани” ушбу китоблар уларгача ёзилган асарлардан кўра кўпроқ “саҳиҳ” ҳадисларни ўзларида жамлаган⁵⁶.

1. Абу Довуд сунани. Абу Довуд Сулаймон ибн ал-Ашъас ибн Исҳоқ ибн башир ибн Шаддод ал-Аздий ас-Сижистоний бўлиб, шайхус сунна, саййидул хуффоз унвони соҳиби. У Сижистонда 202-йилда туғилиб, 275-йилда Басрада вафот эти. Абу Довуднинг энг катта асари “Сунани Абу Довуд” китобидир. У ўз сунанини Расулуллоҳ (с.а.в.)га нисбат берилган 500 000 та ҳадис орасидан танлаб ёзган. Унда 4800 та ҳадис мавжуд.

2. Термизий сунани. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн ал-Заҳҳок ас-Саламий ат-Термизий бўлиб, ҳадис билимдони унвони соҳиби. У Термизда 209-йилда туғилиб, 279-йилда шу ерда вафот этти. Термизийнинг энг йирик асари “Сунани Термизий” китобидир. У “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ва “ал-Жомеъ” номлари билан танилган. Термизий сунани амал қилинган ҳадисларни жамлаган бир мажмуадир. Унда 3962 та ҳадис мавжуд.

3. Насоий сунани. Абу Абдурраҳмон Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ибн Баҳр ан-Насоий бўлиб, шайхул ислом унвони соҳиби. У Хуросонда 215-йилда туғилиб, 303-йилда шу ерда вафот этти. Насоий “ас-Сунани ал-кубро” асарини ёзиб тамомлагандан сўнг Миср сафаридан қайтаётиб, Фаластин орқали келади. Рамла шаҳрида тўхтаганда, шаҳар амири китоби ҳақида сўрайди. Амир: “Сунандаги барча ҳадислар “саҳиҳ”ми”,

⁵⁴ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияру Аълами ан-Нубалаи. Байрут. Муассасату ар-Рисалати. 1412 ҳ.й./1992 м.й. 12-жуз. Б. 558.

⁵⁵ Абул Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Найсабурий. Саҳиҳи Муслим. Байрут-Ливан. Дар ал-Кутуб ал-Илмийя. 1-жуз. Б. 1.

⁵⁶ Муҳаммад ибн Матор аз-Заҳроний. Тадвин ас-Сунна ан-Набавийя нашъатуҳу ва татоввuruҳу. Риёд. Мактабату Дар ал-Манҳаж. 1426ҳ.й./2005м.й. Б. 103-127.

деб сўрайди. Насой: “Йўқ, китобда “саҳиҳ”, “ҳасан” ва “ҳасан”га яқин ҳадислар бор”, деб жавоб қайтаради. Шунда амир: “Менга “саҳиҳ” ҳадисларни қолганларидан ажратиб бер”, дейди. Насой “саҳиҳ” ҳадисларни ажратиб ёзиб, китобни “ал-Мужтаба мин ас-сунан”, деб номлайди. Бошқа номи “ас-Сунани ас-суғро”дир. Ҳозирги кунда Насой сунани дейилганда, “ал-Мужтаба” китоби тушунилади. Унда 5724 та ҳадис мавжуд.

4. Ибн Можжа сунани. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Абдуллоҳ ибн Можжа бўлиб, ҳужжатул ислом унвони соҳиби. У Хуросонда 209-йилда туғилиб, 273-йилда шу ерда вафот этти. Ибн Можжанинг машҳур асари “Сунани Ибн Можжа”дир. Унда 4341 та ҳадис мавжуд. Ушбу олтита китобнинг муаллифлари жуда хассолик билан фақат “саҳиҳ” ҳадисларни жамлашга ғайрат қилганлар. Умумий қўйилган шарт ва талаблардан ташқари ўзлари ҳам бошқа шартлар қўйган эдилар. Уларнинг китоблари бошқа асарлардан устун қилган хусусият Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисларни фақат “саҳиҳ”ини жамлашни бош мақсадалари қилиб олганларидир.

Имом ал-Бухорийнинг шох асари бўлмиш “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китоби олимлар ўртасида “Саҳиҳи Бухорий” номи билан машҳурдир. Аммо китоб муаллифи унга бошқа ном берган. Яхё ибн Шараф ан-Нававийнинг айтишича: “Имом ал-Бухорий ўз китобини – “Ал-Жомеъ”⁵⁷ ал-Муснад ас-саҳиҳ ал-Мухтасар мин умури расулиллаҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам ва сунаниҳи ва аййамиҳи”⁵⁸ деб номлаган. Таржимаси: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ишлари, суннатлари ва кунларидан мухтасар “саҳиҳ” муснад тўплами. Ал-Ҳофиз Ибн Ҳажарнинг таъкидлашича: “Имом ал-Бухорий ўз китобини – “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ал-Муснад мин ҳадиси расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи ва салам ва сунанини ва аййамиҳи”⁵⁹ деб номлаган. Таржимаси: Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ҳадиси, суннатлари ва кунларидан “саҳиҳ” муснад тўплами. Қисқартириб “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” деб аталади. Таржимаси: “Саҳиҳ” тўлам. Имом ал-Бухорийнинг китоби фақат “саҳиҳ” ҳадисларни жамлаган биринчи китобдир.

Ал-Ҳофиз Ибн Ҳажарнинг келтириб ўтишича: “Имом ал-Бухорий “Саҳиҳ”ида муъаллақ, мавқуф ва тобеълардан ташқари такрорланган ҳадислар билан 7397 та ҳадис бор. Такрорларсиз мавсул, яъни боғланган мантлар 2602 та ҳадис бор”⁶⁰. Ал-Ҳофиз Абу Амр Усмон ибн ас-Салоҳнинг айтишича: “Имом ал-Бухорий “Саҳиҳ”ида такрорланган ҳадислар билан жами 7275 та ҳадис бор. Баъзилар таъкидлаб,

⁵⁷ Тухфату ал-Аҳвазий. 1-жуз. Б. 34. Муқаддима қисмида шундай дейилади: «Ал-Жомиъу муҳаддислар истилоҳида қуйидаги маънода қўлланилади. Ҳадис қисмларини барчасини ўзида жамлаган асарга айтилади. Бу қисмлар: 1. Ақоид. 2. Ҳукмлар. 3. Зухд ва латиф сўзлар. 4. Одоб-ахлоқ. 5. Тафсир. 6. Тарих ва мағозийлар(ҳарбий юришлар). 7. Фитналар ва қиёмат аломатлари. 8. Маноқиблар ва фазилатлар».

⁵⁸ Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳра. Ал-Ҳадис ва ал-Муҳаддисун. Байрут-Ливан. Дар ал-Китаб ал-Арабий. 1404х.й./1984м.й. Б. 379.

⁵⁹ Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ҳадйу ас-Сарий муқаддима Фатҳ ал-Борий. Байрут-Ливан. Дар ал-Кутуб ал-Илмий. 1421х.й./2000м.й. Б. 8.

Яхё ибн Шараф ан-Нававий ад-Дамашқий аш-Шофеъий. Таҳзиб ал-Асмо ва ал-Луғот. Байрут-Ливан. Дар ал-Кутуб ал-Илмий. 1-жуз. Б. 73.

⁶⁰ Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳра. Ал-Ҳадис ва ал-Муҳаддисун. Байрут-Ливан. Дар ал-Китаб ал-Арабий. 1404х.й./1984м.й. Б. 379.

такрорларсиз 4000 та ҳадис бор, дейишади⁶¹. Балки улар иккита иснод билан ривоят бир ҳадисни иккита ҳадис деб қабул қилганлар”⁶². Ал-Ҳофиз Абул Фазл Шаҳобиддин ибн Ҳажар дейди: “Имом ал-Бухорий “Саҳиҳ”ида такрорларсиз боғланган мантлар билан жами 2602 та ҳадис бор. “Саҳиҳ”даги боғланмаган марфуъ муъаллақ мантлар жами 159 та ҳадисдан иборат. Мана шундай қилиб, “Саҳиҳ”да такрорларсиз боғланган ва боғланмаган марфуъ муъаллақ мантлар билан жами 2761 та ҳадис бор. Ибн ас-Салоҳ эса, “Саҳиҳ”да такрорларсиз жами ҳадислар 4000 та ҳадисни ташкил қилади, дейди. Мен келтирилган сонлар билан Ибн ас-Салоҳ кўрсатган сонлар ўртасида катта тафоввут мавжуд. Буни нима сабабдан келиб чиққанлиги менга қоронғу. Менинг фикримча, “Саҳиҳ”да бир жойда тўлиқ келтирилса, бошқа жойда қисқартириб келтирилган ҳадислар жуда кўп. Худди шундай, қисқартириб келтирилган бир ҳадисни тўлиқ келтирилган ҳадисдан бошқа ҳадис бўлса керак деб, ҳисобланган. Балки, китобни ёзилиши ва тартибга келтирилиши санъатидан етарликча хабардор бўлинмаганидан келиб чиққандир. Шунинг учун, ўртадаги тафоввут жуда катта”⁶³. Ан-Нававийнинг келтиришича: “Имом ал-Бухорийда такрорларсиз 4000 та ҳадис ва таарорланганлари билан 7270 та ҳадис бор”⁶⁴. Ҳозирда кўлимизда мавжуд бўлган Имом ал-Бухорий “Саҳиҳ”ини кўриб чиқсак, 98 та китоб, 3941 та боб, ҳадислар сони 7563 та эканлиги маълум бўлади⁶⁵.

Имом Муслимнинг шох асари олимлар ўртасида “Саҳиҳи Муслим” номи билан машҳурдир. Ибн ас-Салоҳнинг айтишига кўра, Муслимдан шундай ривоят келтирилган: “У ўз китобини – “Ал-Муснад ас-саҳиҳ” деб номлаган”⁶⁶. Таржимаси: “Саҳиҳ” муснад. Ал-Ҳофиз ал-Ироқий деди: “Ибн ас-Салоҳ Имом Муслим “Саҳиҳ”идаги ҳадислар сонини келтирмаган. Ан-Нававий “Ат-Тақриб” китобида келтиришича, такрорларсиз 4000 га яқин ҳадис бор”⁶⁷. Такрорланган ҳадислар билан қанча эканлигини айтиб ўтмайди. Такрорланган ҳадислар билан Имом Муслим “Саҳиҳ”идаги ҳадислар Имом ал-Бухорий “Саҳиҳ”идаги ҳадислардан кўпдир. Чунки, Имом Муслим “Саҳиҳ”ида бир ҳадисга бир неча ривоят йўллари келтирган. Абул Фазл Аҳмад ибн Салама Имом Муслим “Саҳиҳ”ида такрорланган ҳадислар билан

⁶¹ Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ҳадйу ас-Сарий муқаддима Фатҳ ал-Борий. Байрут-Ливан. Дар ал-Кутуб ал-Илмий. 1421х.й./2000м.й. Б. 648.

⁶² Абу Амр Усмон ибн ас-Салоҳ. Байрут-Ливан. Дар ал-Китаб ал-Арабий. Улум ал-Ҳадис. Б. 16-17.

⁶³ Муҳаммад ибн Матор аз-Заҳроний. Тадвин ас-Сунна ан-Нававийа нашъатуху ва татоввуруху. Риёд. Мактабату Дар ал-Манҳаж. 1426х.й./2005м.й. Б. 110-111.

⁶⁴ Яҳё ибн Шараф ан-Нававий ад-Дамашқий аш-Шофеъий. Саҳиҳ Муслим би шарҳи ан-Нававий. Байрут-Ливан. Дар ал-Кутуб ал-Илмий. 1421х.й./2000м.й. 1-муҳаллад. Б. 26.

⁶⁵ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ Бухорий. Байрут-Ливан. Дарул кутуб ал-илмия. 1420/1999. 1, 2, 3, 4-жилдлар.

⁶⁶ Муҳаммад ибн Матор аз-Заҳроний. Тадвин ас-Сунна ан-Нававийа нашъатуху ва татоввуруху. Риёд. Мактабату Дар ал-Манҳаж. 1426х.й./2005м.й. Б. 111.

Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияр Аълам ан-Нубала. Байрут. Муассаса ар-Рисала. 1412 х.й./1992 м.й. 12-жуз. Б. 565.

Абу Амр ибн ас-Салоҳ. Сийана саҳиҳ Муслим. Байрут-Ливан. Дар ал-Кутуб ал-Илмий. Б. 67-68.

⁶⁷ Жалолиддин Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ас-Суютий. Тадриб ар-Ровий фи шарҳи Тақриб ан-Нававий. Байрут. Дар ал-Китаб ал-Арабий. 1414х.й./1993м.й. 1-жуз. Б. 79.

жами 12 000 та ҳадис мавжуд”⁶⁸. Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳрани келтиришича, Имом Муслим “Саҳиҳ”и такрорларсиз 4000 та ҳадисни ва такрорлари билан 7275 та ҳадисни жамлаган⁶⁹. Ҳозирда қўлимизда мавжуд бўлган Имом Муслимнинг “Саҳиҳ”ини кўриб чиқсак, 54 та китоб, 1331 та боб, 3033 та такрорларсиз ҳадислар ва 5777 та такрорланган ҳадислар мавжудлиги маълум бўлади⁷⁰.

⁶⁸ Муҳаммад ибн Матор аз-Заҳроний. Тадвин ас-Сунна ан-Набавийа нашъатуху ва татоввуруху. Риёд. Мактабату Дар ал-Манҳаж. 1426х.й./2005м.й. Б. 115.

Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияр Аълам ан-Нубала. Байрут. Муассаса ар-Рисала. 1412 х.й./1992 м.й. 12-жуз. Б. 566.

⁶⁹ Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳра. Ал-Ҳадис ва ал-Муҳаддисун. Байрут-Ливан. Дар ал-Китаб ал-Арабий. 1404х.й./1984м.й. Б. 381.

⁷⁰ Абул Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Найсабурий. Саҳиҳ Муслим. Байрут-Ливан. Дар ал-Кутуб ал-Илмий. 1418х.й./1998м.й. 1, 2, 3, 4-муҷалладлар.

Professor-o'qituvchilar, talaba-yoshlarni jamiyatda olib borilayotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlardagi rolini kuchaytirish, innovatsion g'oyalarni amalga oshirish va takomillashtirish, shuningdek yoshlarning intellektual salohiyatini rivojlantirish va rag'batlantirish kabi ustuvor vazifalarini amalga oshirish hamda mazkur yo'nalishda ilmiy tadqiqot ishlarini faollashtirish, yoshlarimizning ma'naviy immunitetini kuchaytirish, ularning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazishda 5 ta muhim tashabbus muhim ahamiyat kasb etadi.

BOSH MUHARRIR:

Maqsudov Ulug'bek Qurbonovich

MAS'UL MUHARRIR:

Yusufjonov Quyoshbek Komiljon o'g'li

MAS'UL KOTIB:

Xasanov Tursunali Xaydarali o'g'li

*Marg'ilon shahar 11-umumiy o'rta ta'lim maktabi
Ma'naviy va ma'rifiy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari*